

2021 йилда Ислом бозорларида исломий молиялаштириш активларига талаб ошади



19:30 / 01.03.2021 1016

Ар-Риёдадаги Миллий тижорат банкида (NCB) мижозлар талабининг ўсиши, фаол ҳукумат қонунчилиги ва бирлашиш ва қўшилиш (M&A) GCC бўйича ислом банклари активларининг ўсишига туртки бўлди.

Пандемия сабаб бўлган иқтисодий таназзуллар шароитида аксарият мамлакатлар қийин иш шароитларига дуч келди. **Moody's** рейтингига кўра, 2021 йилда Ислом бозорларида исломий молиялаштириш активларига талаб ошади.

Рейтинг агентлигининг таъкидлашича, 2020 йилда исломий молиялаштириш барқарор бўлиб, ўсиш 2021 йилгача давом этиши кутилмоқда.

Исломий молиялаштириш активларининг ўсиши 2020 йилда асосий ислом банклари бозорларида (ЖСС, Малайзия, Индонезия ва Туркияни ўз ичига олган) иқтисодий фаоллигининг сезиларли пасайишига қарамай барқарор бўлиб қолди ва активларнинг анъанавий ўсишидан устун турди. Натижада, исломий молиялаштириш активларининг асосий ислом бозорларидаги улуши 2019 йил декабрда 31,4 фоиздан ва 2005 йилда 30,4 фоиздан 2020

йил сентябрь ойида умумий молиявий активларнинг 32,8 фоизига
(одатдаги банк кредитларини ҳисобга олган ҳолда) ошди.